



Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 70

« 15 » февраль 20 17 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 январдаги ПҚ-2737-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида» қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда иқтисодиётда хусусий мулк улушини ва аҳамиятини ошириш ҳамда акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 январдаги ПҚ-2737-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида» қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.
2. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 12 августдаги 245-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорининг бажарилиши ҳақида»ги 252-сонли қарори тўғрисида» қарорининг:

а) 2-бандининг 7-хатбошида «26 та акциядорлик жамиятига хорижий инвесторларни жалб этишнинг узил-кесил муддатини 2016 йил 1 ноябргача» сўзлари «акциядорлик жамиятига хорижий инвесторларни жалб этишнинг узил-кесил муддатини 2017 йил 1 октябргача» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандининг 8-хатбошида «61 та акциядорлик жамиятига 2016 йил 31 декабргача хорижий инвесторларни жалб этиш» сўзлари «2017 йил 31 декабргача акциядорлик жамиятига хорижий инвесторларни жалб этиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев